O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №
3103091

# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 11 март, № 51 (4714) Чоршанба

# ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА – САЛОҲИЯТИМИЗ НАМОЙИШИ

***Юртимизда олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кузатиб, бутун ҳудудни улкан бунёдкорлик майдонига менгзаш мумкин. Негаки, истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида нафақат шаҳарларда, балки олис қишлоқларда ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилаяпти.***

ҲАМКОРЛИК

Натижада улар тобора чирой очиб, бутунлай ўзгача қиёфа касб этиб бораётир. 2008 йилда 169 та касб-ҳунар коллежи, 23 та академик лицей, 69 та мактаб, 184 та болалар спорти иншооти, 26 та қишлоқ врачлик пункти, шунингдек, 7 миллион 240 минг квадрат метрлик тураржой бинолари ва бошқа кўплаб объектлар қурилгани шундан далолат беради.

Мамлакатимизда жорий йилда ҳам ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва фойдаланишга топшириш ишларига устувор вазифалардан бири сифатида қаралиб, қурилиш ва бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилаяпти. Зеро, республикамизда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати тобора ривожланаётгани, ишлаб чиқарувчи корхоналар техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиб, модернизация қилинаётгани туфайли хорижники билан рақобатлаша оладиган юқори сифатли, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Айтиш жоизки, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, энг муҳими, чет эллик ҳамкорлар топишда пойтахтимизда ўтказилаётган «Қурилиш ва интерьер, иситиш ва вентиляция — UzBuild — 2009» халқаро кўргазмасининг аҳамияти ниҳоятда катта. Чунки мазкур нуфузли анжуманда маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан ташқари, соҳада етакчилик қилаётган чет эл компания ва фирмалари ҳам қатнашмоқда. Ўтган давр мобайнида 30 та давлатдан жами 500 дан зиёд компаниялар иштирок этгани ва таклиф қилинаётган маҳсулотлар ҳажми 150 фоизга ошгани бунинг далилидир.

Ўнинчи бор ташкил этилган бу галги кўргазмада Австрия, Беларусь, Германия, Дания, Исроил, Эрон, Италия, Хитой, Туркия, Люксембург, Польша, Россия, Швеция сингари дунёнинг йигирмага яқин давлатидан 100 дан ортиқ компаниялар ўз маҳсулотларини таклиф қилмоқда. Ташкилотчиларнинг айтишича, маҳсулотлар тури ва ҳажми олдинги йиллардагига қараганда анча ошган. Жумладан, юртимиз иқлим шароитига



(Давоми 2-бетда).

***Она диёримизга фасллар келинчаги — баҳор ташриф буюрди, табиат уйғонди. Борлиқдаги янгиланиш, яшариш озод ва обод Ватанимизга Наврўзи олам кириб келаётганидан мужда беради. Ҳадемай, халқимиз сиҳат-саломат ва бардам, салмоқли ютуқлари, мўл-кўл орзулари, эзгу тилаклари билан Наврўз шодиёналарини кутиб олади.***

# ҲАЁТ АБАДИЙЛИГИ ИФОДАСИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳали собиқ тузум давридаёқ Наврўз — халқ сайли тикланган эди. Мустақиллик йилларида эса бу байрам янада ривожланди, такомиллашди, унинг мазмун-моҳияти бойиди ва эзгулик билан йўғрилган янги қирралари намоён бўлди.

Шу кунларда Самарқанд вилоятида ҳам Наврўз — умумхалқ байрамига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Кўча ва хиёбонлар, зиёратгоҳларни ободонлаштириш юмушлари авжида. Тадбирлар, байрам томошалари ўтадиган жойлар байрамона безатилмоқда. Айниқса, вилоят марказида айём тараддуди қизғин бормоқда. Асосий байрам тантаналари ўтказиладиган Самарқанд шаҳридаги "Мўъжиза" амфитеатри, "Ёшлик", "Суғдиёна" истироҳат боғларида тайёргарлик ишлари жадал давом этмоқда.

ТАРАДДУД

— Бу йилги байрамга ўзгача ҳозирлик кўрилмоқда, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Рита Маҳмудова. — Биргина Самарқанд шаҳрининг ўзида ўнга яқин жойга саҳна ўрнатилади. Наврўзни ҳақиқий халқ сайли тарзида ўтказиш мақсадида ташкил этиладиган тантанали маросим ва сайилларда санъаткорлар, бадиий жамоалар ўз байрам дастурлари билан иштирок этади. Вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида, маданият ва истироҳат боғларида Наврўз сайли ўтказилади. Бу шодиёналарга тайёргарлик кўраётган халқ театрлари, "Чавқи", "Сарбози", "Бешқарсак", "Тўтижон" фольклор-этнографик жамоалари, марказий маданият уйи ҳамда ёш хонандаларнинг репертуарларидан она-юрт мадҳи, миллий маданият ва урф-одатларимиз акс этган куй-қўшиқлар, саҳна кўринишлари ўрин олган.

Очиқ майдонлардаги саҳналарда меҳр-оқибат, Ватанга муҳаббат ва садоқат ғоялари сингдирилган бадиий дастурлар, фольклор-этнографик дасталар чиқишлари, халқ ўйинлари намойиш этилади. Миллий спорт мусобақалари, турли кўрик-танловлар ва кўклам таомлари кўриги ўтказилади. Сайилгоҳларда байрам кунлари турли қандолат, ноз-неъматлар, миллий ҳунармандлик маҳсулотлари намойиш этилади. Қўли ширин пазандалар сумалак, ҳалим сингари турфа таомлар билан сайил иштирокчиларини сийлайдилар.

Наврўзни ота-боболаримиз қадим-қадимдан меҳр-мурувват, эзгулик, хайр-саховат байрами сифатида нишонлаб келганлар. Шу боис байрам арафасида вилоятдаги қатор идоралар, корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлар хайрия тадбирларида фаол иштирок этишга бел боғлаганлар: эҳтиёжманд оилалар, боқувчисини йўқотган қариялар, ногиронларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга киришилган.

— Байрам кунлари вилоятдаги Саховат, Мурувват ва Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларда Наврўз таомлари билан безатилган байрам дастурхони ёзилади, — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Фахриддин Фазлиев. — Миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этилади, совға-саломлар улашилади. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида кўзда тутилган мақсад ва вазифалар байрам тадбирларига ҳамоҳанглик ва уйғунлик касб этмоқда. Наврўз байрами арафасида юз эллик нафар ногирон ҳамюртимизга махсус аравача, эшитиш мосламаси ҳамда протез-ортопедия маҳсулотлари тарқатилади. Кам таъминланган, кўп болали 100 дан зиёд оилага ҳомийлар ҳисобидан соғин сигир бериш кўзда тутилган.

Кун билан тун тенглашадиган Наврўзга азалдан аждодларимиз ризқ-насиба, нажот ва баракот фурсати сифатида қараган. Баҳорий юмушлар шу кундан бошланган, деҳқон далага қўш чиқариб, барака уруғи сочган. Асрий анъаналаримизга кўра, айни кунларда вилоят деҳқонлари эл дастурхони тўкин ва баракали бўлсин, деган ниятда ерга уруғ қадамоқдалар. Одамлар дарахт кўчатлари ўтқазиб, ноёб навларни пайванд қилишмоқда.

Ўтган йили вилоятда пахта етиштириш 248 минг тоннадан, ялпи ғалла ҳосили эса 296 минг тоннадан ошди. Вилоят бўйича тайёрланган ялпи пахта ҳосилининг 99 фоизи, ғалланинг 82 фоизи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилгани эътиборга моликдир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида таъкидланганидек, "Барчамиз доимо орзиқиб кутадиган ва катта хурсандчилик, шодиёна билан ўтказадиган Наврўз байрами биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлиб келмоқда".

Дарҳақиқат, халқимизда "Яхши одам — кўзидан, яхши йил — Наврўзидан маълум" деган чуқур мазмунли нақл бор. Наврўз — янги кун, йилбоши, кишилар кўнглида яхши ниятлар, эзгу орзу-умидлар уйғонадиган палладир. Самарқандликлар, барча юртдошларимиз қатори, бу йилги Наврўзни ҳам юртимизга қут-барака, фаровонлик, тўкинлик, бахт-саодат олиб келсин, деган эзгу ниятлар билан қарши олмоқда.

**Мавлон БОБОХОНОВ.**

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

*Гурланлик Йўлдош Холмуродов ишнинг кўзини биладиган тадбиркор.*

### Маҳсулотлар — ички бозорга

У "Микрокредитбанк"нинг туман бўлимидан олинган кредит эвазига хориждан мебель ишлаб чиқариш дастгоҳлари олиб келиб ўрнатди. Айни пайтда 15 нафар қўли гул ҳунарманд ана шу "Зарбдор" кичик корхонасида меҳнат қилаётир.

Бу ерда тайёрланган дастлабки маҳсулотлар ички бозорда харидоргир бўлганлиги ишлаб чиқаришнинг истиқболли эканлигидан далолатдир.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Фориш ҳамда Ғаллаорол туманларида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда икки тумандаги 60 та корхона ва ташкилот 250 та бўш иш ўрни билан қатнашди.*

### 120 нафар ёш ишли бўлди

Мазкур тадбирда иштирок этган 120 нафар қишлоқ ёшлари иш ўрнига эга бўлишди. Таъкидлаш жоизки, уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини тугатган йигит-қизлардир.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Пастдарғом туманида "Акмалжон-Ҳумоюн сармояси" кичик корхонаси иш бошлади. Хитой технологияси асосида барпо этилган мазкур корхона йилига тўрт миллионта ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга.*

### Йилига 4 миллионта ғишт

Шу пайтга қадар туманда ғишт ишлаб чиқарадиган корхона йўқлиги боис аҳоли ва қурилиш ташкилотлари уни бошқа туман ёки вилоятлардан келтиришарди. Шу маънода мазкур корхонанинг ишга туширилиши туман аҳолиси ва ташкилотлари учун катта қулайлик яратди, дейиш мумкин.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ПОЙТАХТ БОСҚИЧИ ҒОЛИБЛАРИ

***Юртимизда тадбиркорлик ривожига алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли мазкур тармоқ аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишда асосий манбага айланмоқда. Айни пайтда у иқтисодиётни изчил ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири бўлмоқда.***

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, ўтган йили мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси барқарор ривожланди. Кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми ўтган йили салкам 22 фоизга кўпайди. Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг 76 фоиздан кўпроғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани, айниқса, эътиборлидир.

Соҳа ривожида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиб келинаётган анъанавий "Ташаббус" кўрик-танловининг ҳам алоҳида ўрни бор. Тадбиркорлик ташаббусини рағбатлантириш ва ишбилармонлик фаолиятини янада кенгайтириш, соҳадаги илғор тажрибани оммалаштириш мақсадида ўтказиб келинаётган танловда ўтган йиллар давомида минглаб ишбилармон юртдошларимиз иштирок этди.

«ТАШАББУС – 2009»

Мазкур танловнинг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда пойтахт туманларида ғолиб чиққан тадбиркор ва ҳунармандлар ўз маҳсулотлари билан қатнашди.

Ғолибларни саралашда уларнинг иқтисодиётимиз ривожига ҳамда аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш ишига қўшаётган ҳиссасига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этиш, хорижий инвестицияни жалб қилиш, импорт ўрнини босадиган ҳамда экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш каби омиллар ҳисобга олинди.

Танлов якунига кўра, Сергели туманида фаолият юритаётган "Met fur servis" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шавкат Халилов "Йилнинг энг яхши тадбиркори" йўналиши бўйича биринчи ўринни қўлга киритди. Ушбу корхона автомобиль ва мебелсозлик, енгил саноат учун металл фурнитуралар ишлаб чиқаради. 1999 йилда ўз фаолиятини бошлаган корхонада дастлаб бор-йўғи олти хилдаги эҳтиёт қисм тайёрланган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 240 дан ошди.

— Эришаётган муваффақиятларимизнинг асосий сабаби — мамлакатимизда тадбиркорларга барча зарур шарт-шароитларнинг яратилаётганидадир, — дейди корхона раҳбари Ш.Халилов. — Президентимизнинг тадбиркорларни доимий қўллаб-қувватлашлари бизни янада яхшироқ ишлашга руҳлантирмоқда. Бунга жавобан нафақат иқтисодиёт ривожига ҳисса қўшиш, балки корхонамиз жойлашган Чоштепа маҳалласидаги таълим муассасаларига ҳомийлик қилишни ҳам ўз бурчимиз, деб биламиз.

Мазкур номинация бўйича Собир Раҳимов туманида фаолият юритаётган, турли хилдаги мебеллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Эътиқод" масъулияти чекланган жамияти раҳбари А. Қосимов иккинчи, Яккасарой туманида радиотехника маҳсулотлари ишлаб чиқараётган "Mir sazava" хусусий корхонаси раҳбари Б. Мирҳабибов учинчи ўринни эгаллади.

Танловнинг "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" номинациясида Собир Раҳимов туманидан ёғоч ўймакори устаси Ф. Юсуфхўжаев биринчи, Шайхонтоҳур туманидан миниатюрачи рассом Б. Ҳожиметов иккинчи, Мирзо Улуғбек туманидан сомондан санъат асарларини яратган Ж. Жумаев учинчи ўринни қўлга киритди.

Танловда бошқа номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

**Н. АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# АРОСАТ

## Фуқароларимизнинг хорижда, жумладан, Россияда меҳнат қилишга боришларига доир мулоҳазалар.

***Уятнинг ўлимдан қаттиқлиги рост экан. Кексайганида Анзират холанинг юзи шувут бўлди. Девор-дармиён қўшнисиникига чиқолмай қолди. Юраги бетламайди. Ахир, қандай чиқсин...***

Бировнинг гапига илакишиб, кичиги Бобиржон Россияга ишлашга кетганди. Ҳеч ким билмайди, ишлари яхшидирки, бир ой оралиғида тенгқури — қўшнисининг ўғли Ғайратни ҳам ёнига чақириб олди. Шу-шу улар олти ой дом-дараксиз кетишди. Бу орада Анзират хола неча ўлиб, неча тирилмади. Қўшниси ҳар чиққанда ер ёрилмайдики, кириб кетса. Ва ниҳоят, етти ой деганда хабар келди, аниқроғи, уларнинг ўзлари келишди. Аэропортга чиққан Анзират хола дастлаб қўлтиқтаёқдаги Бобиржонни таниёлмади. Танигач эса ўзини тутиб туролмай йиғлаб юборди. Катта пул топиб келиш илинжида хорижга жўнаган боласининг ҳамма жойини яра-чақа босиб, таниб бўлмайдиган даражада озиб кетган, устига-устак, бир оёғини яхши босолмасди. Бу ҳали ҳолва экан, онасининг кўксига бош қўйиб кўз ёши тўкаётган Бобир бир қўли билан орқа томонни кўрсатиб, баттар ҳўнграрди. Сал ўтиб, ҳаммаси аён бўлди. Тўрт-беш киши орқадан тобут кўтариб чиқишди. Бу — ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган Ғайратжоннинг тобути эди. Дод деганлар ким бўлди, фарёд деган ким бўлди. Аэропортдан бошланган аза, мана, қирқ кундирки, ҳали давом этмоқда. Нафақат қўшнининг уйида, балки ногирон фарзандига термилиб йиғлаётган Анзират холанинг кўзларида, кўнглида...

ОГОҲЛИК

**Маълум бўлишича, улар ертўлада яшашган. Ҳужжатлари олиб қўйилган 64 нафар ўспирин саккиз нафар жангари йигитлар қўлида суткасига 20 соатдан ишлашган. Қўлларига пул берилмаган, улар нимаики берса, фақат ўшани тановул қилишган. Гап қайтарганлар, касаллар шафқатсизларча жазоланган. Ана шундай кунларнинг бирида калтакларнинг зўридан Ғайрат жон таслим қилади...**

Афсуски, бундай кўргилик биринчи марта бўлаётгани йўқ. Гарчанд шундай эса-да, сўнгги йилларда республикамиз фуқаролари орасида чет элда меҳнат қилиш ниятида юрганлар анчагина. Хусусан, Россияга бориб ишлаб келаётганлар сони ортиб бораётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бироқ ҳозирги кунда Россияда меҳнат қилиш истагида кўплаб фуқароларимиз хорижда ишлаш шароитларига етарлича тайёргарлик кўрмасдан, ўзлари борадиган иш жойи, меҳнат шарт-шароитлари, иш берувчининг номзодга бўлган талабларини тўлиқ ўрганиб чиқмасдан жўнаб кетмоқдалар ва у ерга етиб боргандан кейин турли қийинчиликларга учрамоқдалар.

Шу ўринда, ҳавойи истаклар билан юрганларга айтиб ўтиш лозимки, мамлакатимиз Россия Федерацияси билан сиёсий-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда яқиндан ҳамкордир. Бу ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиши икки давлат ўртасидаги меҳнат ресурслари алмашинувига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Меҳнат миграциясини тартибга солиш, мамлакатларимиз ўртасида ўзаро меҳнат ресурслари алмашинувига қулай шароитлар яратиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган саъй-ҳаракатлар, энг аввало, Ўзбекистон ва Россия ҳукуматлари ўртасида, меҳнат миграцияси соҳасида охирги 2-3 йил ичида тузилган қатор битимларда ўз аксини топди.

(Давоми 2-бетда).

*Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида биз учун энг катта бойлик — инсон саломатлигини асраш, аҳоли тиббий маданиятини ошириш билан бир пайтда, таълим-тарбия тизимининг моддий базаси ва сифат даражасини кучайтириш эканлигини алоҳида таъкидладилар.*

# КАДРЛАР МАЛАКАСИ

## тиббий хизмат сифатини ошириш гаровидир

Дарҳақиқат, мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифати ошиб бормоқда, тиббиётни ривожлантиришнинг илмий асоси мустаҳкамланмоқда. Юқори технологияларга асосланган илғор даволаш усуллари ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг негизини ташкил этмоқда. Хусусий секторни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишлари жадал олиб борилаётир. Бу сектор соғлом рақобатга ҳамда тиббий хизматлар сифати ошишига хизмат қилмоқда. Табиийки, айнан ушбу масалалар кадрлар малакасига алоҳида аҳамият беришни талаб этади.

Тиббиёт кадрларини тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш асносида олий тиббий таълимнинг икки босқичли замонавий тизими жорий этилди. Тошкент тиббиёт академияси ташкил қилинди, олий ўқув юртларида олий маълумотли тиббий ҳамширалар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда тиббиёт кадрлари олтита тиббиёт олий ўқув юртида, шу жумладан, Тошкент тиббиёт академиясида, унинг вилоятлардаги филиалларида, 76 та тиббиёт коллежида тайёрланмоқда. Уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш намунали йўлга қўйилган. Бу ишлар, асосан, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида, илмий марказларда, илмий-тадқиқот институтларида, малака ошириш марказларида, Андижон ва Самарқанд тиббиёт институтларининг, Тошкент фармацевтика институтининг факультетларида, шунингдек, илмий-тадқиқот институтларининг филиалларида, Республика малака ошириш ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказларининг жойлардаги филиалларида амалга оширилмоқда.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кафедраларини шу йилдан эътиборан замонавий даволаш-диагностика аппаратлари билан қайта жиҳозлашга киришилди. Институт илмий марказлари ва ихтисослаштирилган клиникаларининг замонавий тиббиёт ускуналаридан ўқув жараёнларида кенг фойдаланилмоқда.

Мамлакат олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари таркибининг савияси ва илмий мақомига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги вақтда тиббиёт олий ўқув юртларида 3705 нафар мутахассис дарс бермоқда. Тиббиёт олий ўқув юртлари ҳамда тиббиёт коллежлари талабалари билим даражаси ўсиб бораётганлигини халқаро олимпиадалар натижалари ҳам тасдиқламоқда. Чунончи, 2008 йилда Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей ўқувчилари кимё фани бўйича халқаро олимпиадада биринчи ва учинчи ўринларни қўлга киритдилар.

2007–2008 ўқув йилида Жаҳон банки кўмаги билан «Саломатлик — 2» лойиҳаси доирасида ўн ойлик курслар ташкил этилди. Уларда 787 нафар шифокор таълим олди. Шулардан 619 нафари қишлоқ врачлик пунктларининг ва 140 нафари шаҳар поликлиникаларининг врачлари, 28 нафари тиббиёт олий ўқув юртларининг педагогидир. «Тиббиёт муассасаларининг менежменти» номли махсус қисқа муддатли курсларда эса даволаш-профилактика муассасаларининг 970 нафар раҳбари ўқиди.

Тор ихтисослик бўйича тиббиёт ходимлари етишмаслиги муаммосини ҳал қилиш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузу-

**Сенатор минбари**

ридаги Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига қабул бўйича давлат комиссияси қарори билан 2007 йилда мамлакат тиббиёт олий ўқув юртларига Сурхондарё, Навоий вилоятидан ва Қорақалпоғистон Республикасидан қўшимча қабул ўтказилди.

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида 270 минг нафар тиббий ҳамшира фаолият кўрсатмоқда. Кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Япониянинг халқаро тараққиёт агентлиги билан биргаликда республика тиббиёт коллежи базасида «Ўзбекистон Республикасида тиббий таълимни такомиллаштириш» лойиҳасини амалга оширмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган таълим услуби янги йилдан бошлаб мамлакатимизнинг бошқа тиббиёт коллежларида ҳам жорий этилаётир.

Президентимизнинг бу соҳа ходимларига ғамхўрлиги ва эътибори боис саломатлик посбонларини моддий рағбатлантириш ҳамда уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими такомиллаштириб борилмоқда. Натижада охирги икки йил ичида тиббиёт ходимларининг иш ҳақи 2,2 баравар ошди. Олий маълумотли тиббий ҳамшираларнинг узлуксиз иш стажи муддатига қараб тўланадиган устамаларнинг юқори миқдорлари қайта кўриб чиқилди. Натижада бу устамалар шошилинч тиббий ёрдам хизматларида ишлаётганлар учун тариф ставкасининг 30 фоизидан 40 фоизигача, қолган тиббиёт муассасаларида ишлаётганлар учун эса 20 фоизидан 30 фоизигача кўтарилди.

Халқаро илмий ҳамкорлик ҳам кенгайиб бормоқда. Сўнгги уч йил ичида мамлакатимиз тиббиёт олий ўқув юртларининг олимлари халқаро кўламдаги илмий-амалий анжуманларнинг аксариятида иштирок этишди. Қолаверса, бу йўналиш тиббиёт ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш тизимида ҳам намунали йўлга қўйилган. Чунончи, биргина Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида Япония, Германия, Корея Республикаси, Англия, Франция, Россия ва Украинанинг энг яхши тиббиёт муассасаларида иш ўрганган юздан ортиқ шифокор ва олимлар ишламоқда. Сўнгги йилларда тиббиёт кадрлари тайёрлаш ва уларнинг стажировкасини ривожланган мамлакатларнинг етакчи тиббиёт олий ўқув юртларида ўтказиш, шунингдек, ёш мутахассисларнинг чет мамлакатларнинг нуфузли тиббиёт марказларида малака ошириш амалиёти кўпроқ қўлланилмоқда. Хусусан, минтақаларда ишлайдиган шифокорлардан бир гуруҳи (153 нафар шифокор) 2007 йилда Харьков, Новосибирск, Томск тиббиёт муассасаларининг илғор технологиялари билан танишиб қайтди.

Шу ўринда тиббиёт кадрларини тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш билан боғлиқ айрим муаммолар мавжудлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Жумладан, мамлакатимиз шифо масканларида бугунги кунда шифокор-лаборантлар, рентгенолог, психолог, фтизиатр ва патолог-анатом сингари тор ихтисосликдаги тиббиёт ходимларига эҳтиёж сезилмоқда. Бу, табиийки, магистратурага қабул квоталари етарли эмаслиги, интернатура тугатилганлиги, 2005 йилгача тиббиёт олий ўқув юртларини грантлар бўйича таълим олиб тамомлаганларни тақсимлаш тизими бўлмаганлиги билан ҳам изоҳланади.

Битирувчиларни ишга жойлаштириш механизми олий ўқув юртларида кўп ҳолларда яхши ишламаяпти. Чунончи, уч томонлама шартномалар кеч имзоланмоқда ёки умуман тузилмаётир. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида магистратура тайёргарлигининг энг кам муддати икки йил қилиб белгиланган. Бироқ тиббий-биология фанлари ҳамда санитария-гигиена соҳаси мутахассисларини тайёрлаш учун 1-1,5 йил кифоя. Демак, бу ҳам юқорида номи зикр этилган Қонунга ўзгартишлар киритишни тақозо қилади.

Юртбошимизнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, биз жойларда обод аҳоли масканлари, замонавий уйлар билан бир қаторда, ижтимоий объектлар, жумладан, энг кўркам ва давр талабларига мос тиббиёт масканларига ҳам эга бўлишимиз даркор. Бу эса, табиийки, тиббиёт соҳаси кадрлари малакасини янада оширишни талаб этади. Зеро, эл саломатлиги, фарзандларимизнинг соғлом келажаги билан боғлиқ бу масалага ҳаммамиз баббаравар масъулдирмиз.

**Ҳ. ШОДИЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

# ХИЗМАТЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИ

***Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли бугунги кунда банк-молия тизимида ҳам улкан ижобий ўзгаришларга эришилмоқда. Хусусан, ўтган йили республикамиз банкларининг жами капитали аввалги йилдагига нисбатан қирқ фоизга кўпайди.***

Бу борадаги ишларни ривожлантиришда анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган "Bankexpo" миллий кўргазмасининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Куни кеча пойтахтимизда мазкур кўргазманинг навбатдагиси ўз ишини бошлади.

Иккинчи бор ташкил-

**«BANKEXPO — 2009»**

лаштирилаётган "Bankexpo — 2009" миллий кўргазмасида банк-молия ташкилотлари ҳамда компаниялар иштирокчиларга ўз хизматлари, технология ва ускуналарини намойиш этиш баробарида, турли семинар ҳамда тақдимот маросимларини ҳам ўтказишади.

— Дунё бозорида ўн етти йилдан буён фаолият юритамиз, — дейди кўргазма иштирокчиси, Россиянинг "ЦФТ" компанияси вакили Александр Стариненко. — Шу вақт давомида қирққа яқин давлат билан ўзаро алоқалар ўрнатдик. Ўзбекистонда иш бошлаганимизга эса икки йил тўлди. Айтиш лозимки, шу қисқа давр ичида бу ерда яратилган шарт-шароитлар бизга ниҳоятда катта имкониятлар берди. Ҳозирда "Туронбанк", "Ҳамкорбанк", "UT bank" каби молия муассасалари билан яқин ҳамкорлик қилаяпмиз. Ушбу кўргазмада иштирок этишдан мақсадимиз, янги-янги мижозларни топиб, улар билан биргаликда ишлашдир.

Жорий йилги кўргазма ўтган йилгисидан кўп жиҳатлари билан фарқланади. Яъни унда бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ташкил этилади. Шу мақсадда ташкилотчилар республикамиздаги йигирмага яқин олий ўқув юртлари ҳамда ўн бешга яқин коллежларда тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб боришди. Бу ерда хоҳловчилар таклиф этиладиган иш ўринлари билан танишишлари ҳамда келишувга мувофиқ ишга жойлашишлари мумкин. Шунингдек, иштирокчилар сони аввалги 25 та ўрнига 30 тани ташкил этмоқда.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Изланиш**

***Халқимиз "Излаган имкон топар", деб бежизга айтмайди. Наманганлик Носиржон Ҳожимирзаев ана шундай изланувчан инсон.***

## Устахона корхонага айлантирилди

Оддий косибликдан иш бошлаган тадбиркор яқинда устахонани кенгайтириб, пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган "Дамбоғ пойабзал савдо" кичик корхонасини ташкил этди. Керакли ускуналарни эса хориждан келтирди.

Ҳозирда ушбу корхонада 15 нафар киши меҳнат қилмоқда, 20 нафар киши эса касаначилик асосида ишга жалб этилган. Муҳими, ойига 4 минг жуфт сифатли катталар ва болалар оёқ кийими тайёрланиб, мижозларга етказилаётир.

Дарвоқе, куни кеча Наманган шаҳрида корхонанинг биринчи савдо дўкони ишга туширилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА – САЛОҲИЯТИМИЗ НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

мос бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ускуналари ва жиҳозлари, иситиш ва вентиляция тизимлари, эшик-ром, лок-бўёқ, том ёпиш материаллари, пол қопламалари, сопол ва пардозлаш тошлари, электроника ҳамда ёритиш техникалари намойиш қилинмоқда.

Халқаро кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида иқтисодиётимизнинг қурилиш тармоғи тобора ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлашди. Дунёнинг кўпгина давлатлари иқтисодиётига молиявий инқироз жиддий таъсир кўрсатаётган бир пайтда юртимиздаги барқарор ривожланиш хорижлик инвесторларнинг қизиқишини янада ошириб юборди. Буни кўргазмада иштирок этаётган чет эл компаниялари вакиллари алоҳида эътироф этишмоқда.



— Ўзбекистон иқтисодиётини кўпдан буён кузатиб келаман, — дейди Германиянинг «Pufas» компанияси савдо менежери Александр Гаусс. — Айниқса, 2008 йилда қўлга киритилган муваффақиятлар эътиборга лойиқдир. Чунки ўтган йили бошланган жаҳон молиявий инқирозини юмшатиш бўйича юртингизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар туфайли иқтисодий бўҳрон мамлакатингизни четлаб ўтди, юқори ўсиш суръатлари қайд этилди. Бу билан Ўзбекистон ишлаб чиқарувчилар учун энг ишончли иқтисодий ҳамкорлардан бири эканлигини амалда исботлади. Бизнинг компаниямизда 250 хил қурилиш маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Кўргазма маҳсулотларимизни яқиндан таништириш ва юртингиз бозорига олиб киришда муҳим омил бўлиб хизмат қилишига ишонаман.

Шу куни «Мебель, ишлаб чиқариш технологиялари, интерьер ва дизайн — MebelExpo Uzbekistan — 2009» олтинчи халқаро кўргазмаси ҳам очилди. Икки йирик тадбирнинг бир пайтда ўтказилиши бежиз эмас. Негаки, мебелсозлик қурилиш саноатининг етакчи тармоғи бўлиб, иштирокчилар айни пайтнинг ўзида хона ва офис жиҳозлари учун ўзаро келишувларга эришиш, ишлаб чиқарувчилар эса ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши мумкин.

— Биз кўргазмада мебелсозлик учун 150 ранг ва 300 хилдаги профилларни таклиф қилаяпмиз, — дейди «ASprofil» компанияси директори Славомир Абромович. — Маҳсулотларимиз Германия, Италия ва Испаниянинг замонавий технологиялари асосида ёғочдан тайёрланаётгани боис ташқи бозорда унга талаб катта. Дунёнинг кўплаб давлатларига экспорт қиламиз. Улар орасида Ўзбекистон ҳам бор. Кўргазмада қатнашишимиздан асосий мақсад янги ҳамкорлар топишдир. Бунга, албатта, эришамиз. Чунки кўргазманинг биринчи кунидаёқ кўплаб таклифлар олдик.

Халқаро кўргазмалар 13 мартгача фаолият кўрсатади.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

**Танлов**

***Қашқадарёда "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган "Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи" кўрик-танловининг ҳудудий босқичи ўтказилди.***

## Намунали маслаҳатчи

Унда Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари вакиллари иштирок этди.

Танловда Косон тумани Жизза маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси И. Аслованинг фаолияти юқори баҳоланди. Жумладан, у маҳалла қошида "Яшаш тилсими" тўгарагини ташкил этган бўлиб, ўтган йилда 100 нафар қиз мазкур тўгаракда онахонларнинг ҳаёт тажрибасидан сабоқ олган. Бундан ташқари, келин-куёв либослари, чеварлик, каштачилик, қуббачилик ва пазандачилик цехлари ташкил этилган. Ҳозир уларда 20 нафар хотин-қиз ҳунар ўрганиш билан банд.

Ғолиб компьютер жамламаси билан тақдирланди. Эндиликда у танловнинг республика босқичида иштирок этади.

**Ф. БОЗОРОВ.**

# АРОСАТ

## Фуқароларимизнинг хорижда, жумладан, Россияда меҳнат қилишга боришларига доир мулоҳазалар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳукуматлараро тузилган мазкур ҳужжатлар орасида "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Россия Федерациясида ва Россия Федерацияси фуқароларининг Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолияти ва меҳнаткаш мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги битимда икки давлат ўртасида меҳнат ресурслари алмашинувини йўлга қўйишга қаратилган келишувлар муҳим ўрин тутади. Бу ҳукуматлараро битим республикамиз фуқароларининг Россияда қонуний меҳнат фаолиятларини амалга оширишларига ҳамда Россиядаги маҳаллий аҳоли билан меҳнат муносабатларида тенг ҳуқуққа эга бўлишларига замин яратади. Икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатларнинг жадал ривожланиб бориши фуқароларимиз учун бир мамлакатдан иккинчи бир мамлакатга ҳеч қандай тўсиқларсиз кириш-чиқиш, унинг ҳудудида эркин бўлиш, турли ишбилармон доиралар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг кенгайишига, қолаверса, фуқароларимизнинг Россияда меҳнат фаолияти билан шуғулланишларига имкон туғдирди.

Шу ўринда Россияга меҳнат қилишга кетаётган фуқароларимизда юзага келаётган қийинчиликларнинг бир нечтаси ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Россияда меҳнат қилиш истагидаги фуқароларимизнинг асосий мақсади, табиийки, чет элда ишлаш орқали кўпроқ даромад топишдир. Бу мақсад уларни турли кўйга солмоқда. Дарҳақиқат, Россияда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун у ердаги иш берувчилардан расмий таклифларга эга бўлмасдан бу мамлакатнинг турли вилоятларига мақсадсиз жўнаб кетаётган фуқароларимиз ҳам бор. Тўғри, айрим фуқароларимиз Россияга малакали иш топиш илинжида бормоқда. Аммо бу давлатга ишлаш учун кетаётганларнинг аксарияти қурилиш, коммунал хўжалиги ва автомобиль йўлсозлиги соҳалари ҳамда қишлоқ хўжалигидаги мавсумий ишларда меҳнат қилишга иштиёқмандлар.

Дунёда рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироз кўплаб мамлакатлар, жумладан, Россияга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Натижада бу давлатда ҳам юзага келган оғир иқтисодий танглиқдан имкон қадар талафотларсиз қутулиш чоралари кўрилмоқда. Россия ҳукумати томонидан маҳаллий меҳнат бозорларида ишсизлик оқибатида юзага келган жиддий вазиятни юмшатишга қаратилган саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди. Бу ҳаракат, энг аввало, маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш ва ишсизларни қайта касбга тайёрлаш, янги иш ўринлари яратиш, йирик саноат мажмуаларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, у ерда мавжуд иш ўринларининг қисқартирилишига йўл қўймаслик, иш жойидан айрилган маҳаллий ишчи-мутахассисларни давлат аҳамиятига молик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга ва ижтимоий инфратузилмаларни яратишга жалб этиш, ортиқча меҳнат ресурсларини бир ҳудуддан бошқа ҳудудга жойлаштириш каби чора-тадбирларни амалга ошириш йўли билан олиб борилмоқда. Иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларига чек қўйишда Россия, биринчи навбатда, хорижий ишчилардан кўра, кўпроқ ишсиз қолган маҳаллий фуқароларини иш билан таъминлашга ва уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаётгани яхши маълумдир.

Шундай бир мураккаб вазиятда у ердаги иш берувчидан ҳеч бир таклифга эга бўлмасдан ёки борадиган иш жойи ва бажарадиган ишини билмасдан таваккалчилик қилиб, Россияда ишлаш учун кетиш фуқароларимизни юқоридаги воқеаларга ўхшаш турли аянчли аҳволга солиб қўйиши, шубҳасиз. Кўпчилик фуқароларимиз "Энг асосийси, Россияга етиб борилса бўлди, иш ҳамма жойдан топилади", деган фикрда ўзга юртга жўнаб кетмоқдалар. Ўзга юртда ишлаш масаласига бундай енгил-елпи қараш кўпинча фуқароларимиз ҳаётини хавф остига қўйишга, яқин қариндош-уруғларини ортиқча хавотирга солишга, бегона юртда ноқонуний юришга, энг ёмони, ўзларининг одам савдоси қурбонига айланишларига олиб келмоқда.

*Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Россияга иш жойи тайин бўлмаган ҳолда жўнаб кетган кўплаб фуқаролар узоқ вақт мобайнида ишга қонуний жойлаша олмаяптилар. Оқибатда улар турли одамфурушларнинг тузоғига илиниб, ҳар қандай шароитда меҳнат қилишга рози бўлмоқдалар. Россияда меҳнат қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома ва иш берувчи билан меҳнат шартномасига эга бўлмаслик энг оғир ишларни арзимаган ҳақ эвазига (ёки фақатгина кундалик овқат билан таъминланиш учун) бажаришга мажбур этади. Хорижий фуқароларнинг бундай ҳолатда меҳнат қилиши, бир томондан, уларни ишга ноқонуний жалб этган нопок иш берувчилар томонидан текин ишчи кучи орқали катта даромад топишларига имкон туғдирса, иккинчи томондан, алданганларни иш берувчиларга етказишда иштирок этган одамфурушларнинг мўмайгина пул ишлаб олишларига шароит яратади.*

Ўз-ўзидан маълумки, бундай шароитда қолган хорижий фуқаролар иш берувчи ёки унинг вакилидан ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қила олмайдилар. Одамфурушлар ёки нопок иш берувчилар кўп ҳолатларда ҳеч қандай иш жойига эга бўлмаган хорижий фуқароларнинг паспортлари ва бошқа ҳужжатларини тортиб олиб, уларни оғир ва зарарли ишларда меҳнат қилишга мажбурламоқдалар. Устига устак, ҳужжатлари тортиб олинган хорижий фуқаролар санитария-гигиена талабларига умуман жавоб бермайдиган жойларда (ертўла, ташландиқ уйлар, қурилиши тугалланмаган биноларда) ҳеч бир шарт-шароитларсиз яшамоқдалар.

Тез-тез учраётган яна бир ҳолат бор: кўпчилик фуқароларимиз аниқ мутахассислик ёки бирор касбга эга бўлмасалар-да, ўзларини Россияга бориб, қурилиш, коммунал хўжалиги ёхуд хизмат кўрсатиш соҳаларида бемалол ишлаб кета олишлари мумкин, деб ҳисоблайдилар. Охирини ўйламасдан бегона юртга шошиладилар. Ўз-ўзидан яхши маълумки, бирор-бир мутахассислик ёки касбга эга бўлмаган хорижий фуқаро Россияда яхши иш ҳақи тўланадиган, соғлиғига зарар етмайдиган ҳамда барча шароитлар яратилган ишни қидириб тополмаслиги муқаррар. Бунга бухоролик Эшмуроднинг аянчли қисмати ҳам гувоҳдир. У ота-онасининг ҳай-ҳайлашига қарамасдан "ака Анвар"-нинг ортидан соядай эргашди, унинг ширин сўзларига маҳлиё бўлди. "Касб-коринг йўқ-ку, хорижда нима қиласан?" дегувчиларни ўзига душман санади. "Владивостокка етиб олсам бўлди, у ёғини ўзим биламан, қолаверса, ака Анвар бор," деди. Уйдаги эски "Жигули"сини сотди, етмаганига онасини чирқиратиб, биттаю битта соғин сигирини бозорга олиб чиқди. "Икки ойда пул жўнатаман, иккита сигир оласизлар", деди у пинагини бузмасдан.

Владивостокда эса у хор бўлди. Барча пуллари "ака Анвар"да кетди, ўзи катта қурилишда ишлай бошлади. Қўлига ғишт ушлаб кўрмаган бола бирданига "каменшик"ка айланди ва кунлардан бир кун бешинчи қаватдан йиқилиб тушди. Бир оёғи ва бир қўли синди, бутун аъзои бадани эзилиб кетди. Уни шу ҳолатда ётоқхонага олиб бориб ташладилар. Бир ой шу тахлитда ётди. Чўлоқ бўлиб қолди, бир қўли эса қийшиқ битди. Қариндош-уруғлари уни бир амаллаб Ватанига олиб келдилар...

Ҳозирги кунда Россия ҳукумати меҳнат бозорида юзага келган оғир вазиятни юмшатиш мақсадида 2009 йил учун хориждан жалб этиладиган меҳнат ресурслари сонини 50 фоизга қисқартириш чораларини кўрмоқда. Табиийки, бу ҳолат маҳаллий аҳолини мавжуд ва яратиладиган янги иш ўринлари билан таъминлаш билан боғлиқдир. Жорий йил бошидан эътиборан Россиянинг бир қатор ҳудудлари, жумладан, Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари, Амурск, Архангельск, Москва, Новгород, Белгород, Волгоград, Курган, Тюмень, Липецк, Магадан, Ульяновск вилоятлари, Красноярск, Приморск ўлкалари, Татаристон, Чуваш Республикаларидаги ва бошқа қатор вилоятлардаги маҳаллий маъмуриятлар томонидан қурилиш, йўл қурилиши, коммунал хўжалиги соҳалари, саноат ишлаб чиқариш корхоналарига, асосан, маҳаллий аҳоли орасидан ишсиз юрганларни жойлаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Яна шунга эътибор бериш жоизки, ҳатто қўлида ҳунари бор ва ўз соҳасида етарли иш стажига эга бўлган мутахассислар ҳам Россияга бориб ўз касблари бўйича тайинли бир иш топа олмасликлари мумкин.

Бошқа жиддий муаммолардан яна бири, бу Россияда ишлагани борган айрим фуқаролар аксарият ҳолларда иш берувчининг ҳар қандай талабини бажаришга рози бўлаётганликлари ва алалоқибат, алданиб қолаётганлигидир. Улар ҳатто ўз фуқаролик паспортлари, мутахассислик тўғрисидаги диплом, сертификатлари ва бошқа ҳужжатларини ҳам иш берувчи ёки унинг вакилига бериб қўймоқда. Жойлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан текширувлар ўтказилганда эса улар яна чув тушишмоқда. Оқибатда ҳужжатлари бўлмаган аксарият фуқаролар тегишли жаримага тортилиб, Россия ҳудудидан мажбуран чиқариб юборилмоқда.

Шунингдек, яна бир жиддий ва ташвишли масала мавжуд. Россияга ишлашга бораётган фуқароларимиз айрим ҳолатларда яшаш жойи бўйича вақтинчалик қайддан ўтмайди ва меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатномаларни Россия Федерал миграция хизматидан расмийлаштирмайди. Баъзида эса меҳнат фаолиятини қалбаки ҳужжатлар асосида олиб борадилар. Хорижий фуқароларнинг бундай ҳолатда меҳнат қилиши Россиянинг амалдаги миграция ва меҳнат қонунчилигига зиддир. Шу сабабли мазкур фуқароларга нисбатан 5 минг рубль миқдорида жарима солинади ва улар мамлакат ҳудудидан депортация қилиш билан жазоланади.

Айрим фуқаролар Россияда бўлиш ва ишлаш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни расмийлаштириш учун турли даллоллик фирмалари ва шубҳали шахсларга "мукофот ва миннатдорчилик пули" ҳам бермоқдалар. Оқибатда бу тоифадаги "чаққонлар" соддадил фуқароларимизни алдаб, уларнинг қўлига сохта ҳужжатларни тутқазиб кетмоқда. Бундай ҳолатга тушмаслик учун фуқароларимиз Россияга таклиф этган иш берувчи ажратган ёки ўзлари топган яшаш жойида вақтинчалик рўйхатдан ўтишлари ва меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун тегишли рухсатномани бевосита ўзлари расмийлаштиришлари талаб этилади. Фуқароларимизнинг тегишли ҳужжатларни расмийлаштирмасдан туриб Россияда меҳнат қилишлари, табиийки, уларнинг бу давлатга кириш, унинг ҳудудида бўлиш тартиб-қоидаларини билмасликлари ва меҳнат фаолиятини амалга оширишга оид қонунчилик билан яхши таниш эмасликлари оқибатидир.

Фуқароларимиз чет элда ишлаш масаласига жиддий эътибор бериб, унга шахсий масъулият билан ёндашсалар, ноқонуний миграция ёки одам савдоси келтириб чиқарадиган мудҳиш воқеаларнинг олдини олган ва ўз ҳаётларини хавф остига қўймаган бўлардилар.

*Фуқаролар чет элларда турли оғир вазиятларга тушиб қолмасликлари учун, энг аввало, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ҳамда Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича Тошкент, Нукус, Фарғона, Қарши ва Бухоро минтақавий бюроларига мурожаат этишлари лозим. Улар Россияда меҳнат қилиш тартиб-қоидалари тўғрисида ўзларини қизиқтирган барча саволларига агентликнинг "Ишонч телефонлари" (8 (371) 232-27-88, 252-13-61) орқали батафсил маълумот олишлари мумкин.*

Ақл билан иш тутмоқ донолик белгиси. Ота-онанинг, улуғ инсонларнинг панду насиҳатлари йўлимизни ёритиб турувчи мунаввар чироқдир. Уларнинг ҳикматли насиҳатларига қулоқ тутмаганлар аросатда қолиши, муқаррар. Аросатда қолганлар эса, халқ донишмандлигида айтилганидек, ғарқ бўлади.

**Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ахборот хизматининг материаллари асосида Алишер БОЛИЕВ тайёрлади.**

*Шу кунларда таваллудининг 80 йиллиги нишонланаётган Озод Шарафиддинов ярим асрлик меҳнат ва ижод фаолияти давомида муаллим-мураббий, мунаққид, публицист, таржимон, муҳаррир сифатида миллат маънавий-маданий ҳаётида ёрқин из қолдирди. Президентимиз айтганларидай, у ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ўзининг ҳаққоний сўзи, ирода ва матонати билан юртдошларимиз, авваламбор, ёшларимиз учун ибрат намунасига айланди.*

# ОЗОД ЮРТНИНГ ЧИН ФАРЗАНДИ

Эҳтиром

Бу улуғ зотнинг мустақиллик йилларида, айниқса, оғир хасталикка чалинган кезларидаги ижодий шижоати тарихда сийрак учрайдиган ноёб ҳодиса. Шу йиллар давомида яратган асарларининг ўзи ярим асрлик бой ижодий меросининг учдан икки қисмини ташкил этади. Яна бир эътиборли жиҳати — дард билан олишувлар асносида қоғозга тушган битиклар ҳаётга, эл-юртга, адабиётга чексиз меҳр-муҳаббат туйғулари билан йўғрилганлигидир. Устоз ижодий фаолияти ва меросининг ҳар бир қирраси алоҳида олам: фаолият соҳаларининг ҳар бирида бу зот, чунончи, бир етук муаллим ёхуд бир етук публицист, таржимон, муҳаррир умри давомида эришиши мумкин бўлган мақомларга кўтарила олди. Айниқса, унинг адабий танқид соҳасидаги хизматлари алоҳида таҳсинга сазовор.

Мунаққид Озод Шарафиддинов ўтган асрнинг 60-йиллари миллий танқидчилик майдонига гулдурос овозда кириб келди, ярим аср давомида у танқидчилигимизнинг карвонбошиси бўлиб қолди.

Унинг "Лирика ҳақида мулоҳазалар", "Замон — қалб — поэзия", "Ниҳоллар" мақолалари шеъриятни, адабий жараённи янгича англаш, идрок ва талқин этишнинг ёрқин намуналари эди. Мунаққид адабиётимиз осмонида митти юлдузлар – Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов пайдо бўлганида, бу истиқболи порлоқ чин истеъдодларни илк бор кашф этди, уларни янги ижодий парвозларга ундади. Даврнинг пешқадам адиблари қалами остидан чиққан деярли ҳар бир янги асар Озод ака нигоҳидан ўтиб дунё юзини кўрар, матбуотда бу синчков мунаққиднинг одилона баҳосини олар эди. Мана шу жараён мунаққид умрининг охиригача давом этди. Ярим аср мобайнида миллий адабиётимиз бўстонида пайдо бўлган бирорта ёрқин истеъдодли асар унинг эътиборидан четда қолган эмас.



Шу билан бирга, мунаққид адабиётдаги халтурага, ўртамиёначиликка қарши мардона кураш олиб борди. 40-50-йилларда кенг тарқалган ўта сиёсатлашган, нуқул мустабид тузум мафкураси тарғиботига қаратилган қуруқ риторика, ваъзхонликдан иборат "шеърият"нинг авра-астарини очиб ташлади, улардан кўплаб намуналар келтириб, "Шеърми шу асарлар, поэзия борми уларда?" деган кескин саволни қўйиб, теран илмий таҳлил, рад этиш мумкин бўлмаган далил ҳамда мантиқ асосида "Йўқ!" дея жавоб бера олди. 50-йиллар шароитида бундай фикрни айтиш мислсиз жасорат эди. Чунки кескин танқид остига олинган "шеърлар" муаллифлари унча-мунча ҳаваскор қаламкаш эмас, даврнинг донгдор шоирлари эдилар, бунинг устига уларнинг танқид остига олинган шеърлари "ғоявий жиҳатдан" сиёсатга тўла мос келарди. Ўзининг бу ижодий принципига ҳам мунаққид умрининг охирига қадар содиқ қолди. Дабдабали номлар билан аталган, жимжимадор ташбеҳлар билан тўлиб-тошган мағзи пуч асарларнинг асл башарасини очиб кўрсатишда давом этди. Энг муҳими, бутун фаолияти мобайнида бу улуғ олим бирорта ҳам чин истеъдод билан битилган асл асарни танқид остига олган эмас. Унинг мунаққид сифтидаги энг катта бахти, омади ана шунда. Мунаққиднинг "Замон — қалб — поэзия"дан кейинги китоби "Ижодни англаш бахти" деб аталиши бежиз эмас. Устоз айни шу хил ноёб фазилатлари туфайли ижод аҳли қалбига йўл топди, узоқ йиллар ёзувчи билан танқидчи ўртасида ғов бўлиб келган "темир девор"ни қўпориб ташлади, ёзувчи билан мунаққид бир-бирини тушуниб, англаб, бир-бирини эъзозлаб яшаши, бир тилда сўзлашиши мумкин эканлигини амалда кўрсатди. Шу тариқа у ҳам устоз, ҳам тенгдош, ҳам ёш қаламкашлар ардоғига бирдек сазовор бўлди. Мунаққиднинг номи мўътабар адибларимиз қаторида тилга олинадиган бўлди. Унинг айни шу хизматлари туфайли адабий танқидчилигимиз мартабаси юксакликка кўтарилди.

Замонавий адабий жараён тадқиқи билан баробар устознинг XX аср ўзбек адабиётининг мустабид адабий сиёсат туфайли топталган тарихини тиклаш, қатағон қилинган адиблар меросини халққа қайтариш, хусусан, Чўлпонни юзага чиқариш йўлидаги жонбозликлари айни илмий-ижодий жасоратнинг чин намунасидир. Бу йўлда у ўттиз йил бетиним кураш олиб борди, ниҳоят, истиқлол шабадалари эса бошлаган паллага келиб эзгу умидлари ушалди: унинг раҳбарлигида Чўлпоннинг аввал бир жилдлик, сўнг уч жилдлик асарлари нашрга тайёрланди, Чўлпон ижоди бўйича ёзилган илк диссертацияларга раҳбарлик қилди, ниҳоят, қатор тадқиқотлар, хусусан, "Чўлпонни англаш" деб аталган ҳам тадқиқот, ҳам достон деб аташга лойиқ аломат асар яратди.

Жаҳон адабий-танқидий тафаккури янгиликларидан мунтазам хабардор, ҳеч қанақа қолипларни тан олмайдиган, чин маънодаги эркин, озод ижодкорнинг бетакрор, ўзига хос жўшқин ва латиф овози, услуби, ифода тарзи ҳам танқидчилигимизда ноёб ҳодисадир. Адабиётшунос олим, айниқса, сўнгги йиллар ижодида илмий тафаккур билан бадиий ижодкорликни моҳирона уйғунлаштиришга муваффақ бўлди. Айни шу йўналишда битилган қатор бадиа-эсселари худди етук бадиий асардек шавқ билан ўқилади.

Хулоса шуки, бу табаррук сиймо озод мамлакатнинг чин фарзанди, қаҳрамони сифатида мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтди, забардаст мунаққид сифатида зиммасидаги буюк миссияни тўла-тўкис адо этишга муяссар бўлди. Устознинг қутлуғ саксон ёшлик кунларига етиб келолмаганлиги унинг яқинлари учун бир армон бўлиб турибди. Кишига таскин берадиган жиҳати шундаки, истиқлол йилларида унинг миллат, миллий маънавиятимиз, адабиётимиз олдидаги буюк хизматлари муносиб тақдирланди, вафотидан кейин ҳам у худди тириклигидагидек ардоқдадир. "Ижодни англаш бахти", "Довондаги ўйлар" китобларининг Республика Давлат мукофотига сазовор бўлиши, аллома туғилган куннинг мамлакатимиз миқёсида кенг нишонланаётгани шу эҳтиромнинг мантиқий давомидир.

**Умарали НОРМАТОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

Мардлар қўриқлайди Ватанни

***Президентимизнинг жорий йил 6 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларнинг навбатдаги чақируви ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида"ги қарорига асосан, Сурхондарё вилоятида ҳам йигитларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтмоқда.***

# ҲАМ ҒУРУР, ҲАМ МАСЪУЛИЯТ

— Чақирув мавсумига пухта ҳозирлик кўрдик, — дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси масъул ходими, офицер А. Авизов. — Барча чақирув пунктларимизда тиббий ҳамда чақирув комиссияларининг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Мавсум бошланишидан олдин ҳар бир шаҳар ва туман мудофаа ишлари бўлимлари бошлиқларининг маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлари ташкил этилиб, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонун ҳамда Президентимизнинг "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг мазмун-моҳияти батафсил тушунтирилди, маҳалла ва ўқув муассасаларида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Бундан ташқари, вилоят, туман ва шаҳар чақирув комиссиялари аъзолари, врач-мутахассислар учун ўқув машғулоти ва кўргазмали-амалий семинарлар ташкил этилди.

Шунингдек, муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, шахсий мослашув имкониятлари, интеллектуал билим даражалари синовдан ўтказилиб, улар орасидан энг муносиблари танлаб олинди.

Вилоят йиғин пунктида ташкиллаштирилган навбатдаги тантанали маросимда мана шу босқичлардан муваффақиятли ўтган, ҳар жиҳатдан етук ва соғлом йигитларнинг бир гуруҳи муддатли ҳарбий хизматга кузатилди. Унда вилоятнинг давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, ота-оналар ва ҳарбийлар иштирок этишди.

Тантанали кузатув маросимида сўз олганлар, мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ҳарбий хизматчиларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор, берилаётган имтиёз ва имкониятларни алоҳида эътироф этишди. Хусусан, Юртбошимизнинг Фармонига биноан, эндиликда муддатли ҳарбий хизматга чақирувнинг бир йилда бир марта амалга оширилиши фуқаролар учун яратилган яна бир қулайлик эканлиги алоҳида таъкидланди.

**Гулбаҳор ТАНГИРОВА.**

Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

## Самарқандда республика чемпионати

***Самарқанд олий спорт маҳорати мактабида кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.***

Уч кун давом этган беллашувларда республикамизнинг барча ҳудудларидан келган 500 нафарга яқин полвон гиламга чиқди. Ғолиблар орасидан жаҳон ва қитъа чемпионатларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган терма жамоа шакллантирилиши сабабли барча вазн тоифасида курашлар муросасиз кечди.

Мусобақа якунида Суҳроб Худойбердиев, Ўткир Саломов (Самарқанд), Давлат Чориев, Шерали Жўраев, Шароф Холмаматов, Ўктам Эргашев, Яҳё Имомов (Тошкент)лар ўз вазн тоифасида биринчи ўринни қўлга киритдилар. Қизлар ўртасида эса Дилноза Қамбарова, Шоҳида Назарова, Ўғилой Нуралиева, Соҳибжамол Холиқулова, Муқаддас Кўбаева (Тошкент), Динора Донаева (Қашқадарё) ва Гулмира Исматова (Самарқанд)лар Ўзбекистон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлдилар.

Чемпионатнинг тантанали очилиш маросимида Самарқанд вилояти ҳокими Ў. Барноев иштирок этди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Урганч шаҳрида таълим муассасаларида меҳнат қилаётган хотин-қизлар ўртасида анъанавий VI аёллар спартакиадаси ўтказилди.***

## Аёллар спартакиадаси

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган мазкур мусобақада 400 нафардан ортиқ хотин-қизлар спортнинг саккиз тури бўйича ўзаро куч синашдилар.

Қизғин баҳслар натижаларига кўра, умумжамоа ҳисобида Хонқа тумани вакиллари биринчи ўринни эгалладилар. Урганч тумани жамоаси иккинчи, шовотликлар эса учинчи ўринга муносиб топилди.

**Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА.**



## Ёш каратэчилар беллашуви

***Нукусдаги 2-кўп тармоқли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида каратэ бўйича Қорақалпоғистон очиқ биринчилиги бўлиб ўтди.***

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишланган мазкур мусобақада 2001-2002 йилларда туғилган 150 нафардан зиёд умидли каратэчилар иштирок этди. Якунда Анвар Жумабоев, Ниятулла Абдуллаев, Осиё Қутлимуродова, Шоҳида Авезбоева сингари ўнлаб ёшлар ўз вазн тоифасида шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олдилар.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 $м^3$, 250 $м^3$, 400 $м^3$, 650 $м^3$, 1000 $м^3$, 1600 $м^3$ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН



замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 $м^3$ дан 25 $м^3$ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 $м^3$ дан 40 $м^3$ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 $м^3$ дан 6 $м^3$ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 $м^3$ дан 10 $м^3$ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 $м^3$ дан 16 $м^3$ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

РЕСПУБЛИКА КЎП ТАРМОҚЛИ АГРОСАНОАТ БИРЖАСИ ХОРАЗМ ФИЛИАЛИ

*аукцион савдоларига таклиф этади.*

2009 йил 10 апрель куни соат 11.00 да Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Жамбул кўчаси, 10-уйда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Хоразм вилояти хўжалик судининг 2008 йил 15 майдаги ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Урганч шаҳри, Ашхобод кўчаси, 200-уйда жойлашган «Урганчсувқурилишмонтаж» унитар корхонасига қарашли, Амударё ҳавзасида сақланаётган «ЗДЭР-250 $М^3$ 10» русумли землесос, 1978 йилда Чехословакияда ишлаб чиқарилган, техник носоз № 56 кема транспорти қўйилади.

***Бошланғич баҳоси — 203 745 000 сўм.***

Юқоридаги мулклар билан бевосита жойига чиқиб суд ижрочилари иштирокида танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги харидорлар (юридик ва жисмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир объект учун алоҳида тартибда Республика кўптармоқли Агросаноат биржаси Хоразм филиалининг (савдо ташкилотчиси) қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304633287001, ХОАТБ «Универсалбанк»ининг Урганч мини банки, МФО 00973, ИНН 206881350.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун савдо ташкилотчиси номига қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:**
- *савдода иштирок этиш учун ариза;*
- *жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси;*
- *юридик шахслар учун юридик мақомини белгиловчи ҳужжатлар нусхаси;*
- *ўрнатилган тартибда тасдиқланган ишончнома (вакиллар учун).*

Аукцион савдоларига қўйилган мулклар билан танишиш истагида бўлган талабгорлар Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Хоразм филиалига эълон чоп этилган санадан бошлаб ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 16.00 га қадар мурожаат этишлари мумкин.

Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Жамбул кўчаси, 10-уй, Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Хоразм филиали. Телефон: (8-362) 224-22-38.

*Лицензия ДВ №000003*



## ОБ-ҲАВО

**(11 март)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғиши мумкин. Кечаси 3-8, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари**. Ёғингарчилик бўлмайди. Тунда 3-8, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси 3-8, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Тунда 3-8, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво очиқ бўлади. Кечаси 5-10, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 2-7, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 3-5, кундузи 15-17 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

Республика Маънавият тарғибот маркази жамоаси "Олтин мерос" жамғармаси раиси Амирқул Каримовга падари бузруквори

**РАИМҚУЛ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика Ихтисослаштирилган урология маркази, Тошкент Тиббиёт академияси жамоалари Урология кафедраси профессори

**Миркамол МИРСАМАТОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзстандарт" агентлиги жамоаси бош директор ўринбосари

**Шавкат ЖЎРАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий кенгаши жамоаси ташкилотнинг Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Бойназар Сафаровга қизи

**Чаросхон САФАРОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ 1992-2008 йилларда чиқарилган Ўзбекистоннинг мавзули ва йиллик почта маркалари, блок ва кичик варақларни, кляссер ва буклетларга жойлаштирилган марка тўпламларини тақдим этади. ТЕЛ. 233-70-33. ФАКС 236-36-48. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 53053 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Ф. Бўтаев.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.30 7